

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

«Тасдиқлайман»  
Иқтисодиёт ва бошқарув  
факултети декани, доцент  
\_\_\_\_\_ А.У.Астанов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

5340900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши бўйича

# Битирув малакавий иши

**Мавзу:** «Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштириш»  
(Оқдарё тумани «Янгиқўрғон - пахта» ОАЖ мисолида)

Бажарувчи: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бўлими, IV босқич талабаси

Умиров Шухрат

Илмий раҳбар: доцент

А.И.Аликулов

Иш кафедрада муҳокама қилиниб, №\_\_ баённома билан ҳимояга рухсат этилди.

Кафедра мудири, и.ф.н.  
доцент \_\_\_\_\_ М.Холмурзаев  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

Самарқанд – 2012

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Кириш.....   | 3  |
| 1-боб.Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.....   | 5  |
| 2-боб. Объектнинг иқтисодий тавсифи.....   | 14 |
| 3-боб. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобини такомиллаштириш ..... | 21 |
| 3.1. Харажатларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва ҳисобнинг вазифалари.....                                     | 21 |
| 3.2. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатларнинг бошланғич ва йиғма ҳисоби.....                                 | 30 |
| 3.3. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.....                               | 35 |
| 4-боб. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.....                         | 39 |
| 4.1. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари.....   | 39 |
| 4.2. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблаш..  | 46 |
| 4.3. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.....                           | 49 |
| 5-боб. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.....                                  | 52 |
| Хулоса ва таклифлар.....   | 55 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....  | 57 |
| Иловалар .....   | 60 |

## КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бозор механизмларига тезроқ мослашадиган янги бошқарув тизимларини жорий этиш билан бирга иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, «рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин»<sup>1</sup>.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги даврда маҳсулот таннархини 10 - 15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда тежамкорлик тизимини жорий этиш, рақобат мавқеини мустаҳкамлаш ва маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш, технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш тақозо этилди.

Юқоридаги вазифаларни ижобий ҳал этиш учун пахтани қайта ишлаш корхоналарининг технологик хусусиятларини ҳисобга олувчи замонавий бухгалтерия ҳисобини юритиш ва таҳлилини амалга ошириш самарали усулларини қўллаш, назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш ва уйғунлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Булар мавсумий ишлаб чиқариш характерининг таъсирига, корхоналар ўртасида ўзаро мураккаб ҳисоб-китобларга асосланган поғонавий молия механизмининг мавжудлигига, бухгалтерия ҳисобини халқаро ва миллий стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тармоқ хусусиятларини ҳисобга

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 20.

олган ҳолда такомиллаштиришга, иқтисодий таҳлилнинг тармоққа мос усуллари қўллаш асосида бошқарув тизимини ахборотлар билан таъминлашни янада яхшилашга, корхоналарни бошқаришга логистик тизимни татбиқ этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мазкур муаммолар иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни тадқиқ этишнинг зарурлиги битирув малакавий иш мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади пахтани қайта ишлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, асосий вазифалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

– пахтани қайта ишлаш корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, харажатларнинг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш, уларни туркумлаштиришнинг тамойилларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг бошланғич ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– пахтани қайта ишлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

– харажатлар ҳисобининг амалдаги ҳолатини тадқиқ этиш орқали таннарх калькуляцияси усулини такомиллаштириш;

Битирув малакавий иш объекти бўлиб Самарқанд вилоят Оқдарё тумани «Янгиқўрғон - пахта» ОАЖ ҳисобланади. Битирув малакавий ишни бажаришда таҳлил ва синтез, муаммога мантикий ва тизимли ёндашув, статистик ва қиёсий таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

## **1-боб. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи**

Пахтани кайта ишлаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини аниқлашни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари республикаимиз иқтисодчилари Э.А.Акрамов, А.А.Абдуллаев, Ё.А.Абдуллаев, О.У.Бобожонов, А.А.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, А.М.Жуманов, А.К.Иброҳимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, Н.С.Санаев, А.С.Сотиволдиев, М.М.Тўлахўжаева, М.Ш.Шарифхўжаев, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков, К.Б.Уразов, С.Ш.Юлдашев, Д.К.Қудбиев, Р.Дусмурадов, А.И.Аликулов ва бошқаларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитидаги хўжалик юритиш талабларидан келиб чиқиб уларнинг ечимларини ҳал этишнинг зарурлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатиб турибди ва ушбу мавзуда битирув малакавий ишини бажариш зарурлигини белгилаб беради.

Қуйида битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётларга шарҳ келтириб ўтаимиз.

### **1.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30.08.1996.**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари (2–модда), бухгалтерия ҳисоби субъектлари (3-модда), бухгалтерия ҳисоби объектлари (4-модда), бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш (5-модда), бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш (7-модда), бошлангич ҳисоб ҳужжатлари (9-модда), бухгалтерия ҳисоби регистрлари (10-модда), даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш (13-модда), хусусий капитални ҳисобга олиш (14-модда), молиявий ҳисобот (16-модда), молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби (19-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган. Қонуннинг 13–моддаси

«Даромадлар ва харажатларни ҳисоб олиш» деб аталиб, бунда даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даври тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади, деб ёритилган.

**2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999. №54. (ВМ қарори таҳрири, 17.02.2010, №22).**

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Ушбу низомни қабул қилиниши корхоналар даромадлари ва харажатларини аниқ белгиланган гуруҳларга ажратиб ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижани шакллантириш тартибини белгилаб берди. Жумладан, харажатларни қайсилари маҳсулот таннархига киритилади, қайсилари давр харажатларига олиб борилади. Бу маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу низомда молиявий натижаларни беш кўрсаткичи белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бирини таърифи ва аниқлашни ҳисоб – китоби берилиб, бу халқаро андозаларга мос келади.

**3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси ВМнинг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2012 йил 20 январ. №14 (5404).**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими яратилди.

Мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги ҳамда 2011 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 фоизга, чакана товар айланмаси 16,4 фоизга, пуллик хизматлар 16,1 фоизга кўпайгани қайд этиб ўтилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалла харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секториди таркибий сифат ўзгаришлари юз бераётгани кўрсатмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида 2011 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг якунлари, йил якунларини олдинги йиллар билан таққослаб, таҳлил қилиб, 2012 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб берган.

**4.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.**

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Ушбу асарда Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилни асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ВМнинг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузалари ёритилиб, мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли инқирознинг оқибатларига бардош бериш, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилган.

**5.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон. 2009.**

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози

оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Ушбу асарда белгиланган вазифалардан бири ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини 20% гача камайтириш режаси ишлаб чиқилиши ва уни бажарилишини таъминланиши лозимлиги белгилаб берилган. Фермер хўжаликларида ҳам маҳсулот таннархини пасайтириш дастури тузишдан олдин, албатта маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши лозим.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

**6.Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. –Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011. - 487 б.**

Ушбу дарсликда иқтисодиётнинг қурилиш, қишлоқ хўжалиги, автотранспорт, савдо, умумий овқатлантириш каби муҳим тармоқлари ва соҳаларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ёритилган. Дарсликда алоҳида эътибор ушбу тармоқ ва соҳага тегишли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига, уларда активлар,

мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, якуний молиявий натижалар, солиқ ва тўловлар ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисобот шакллари тузишдаги хусусиятларига қаратилган.

Дарслик кириш, тўрт бўлим, 28-бобдан иборат бўлиб, дарсликнинг II бўлими «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» деб номланиб, бу бўлим ўз ичига 9 – 16 бобларни қамраб олган. Дарсликнинг 12-боби деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишга бағишланган бўлиб, бунда деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи, таркиби, тавсифи, маҳсулот киримининг дастлабки ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби, маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари ёритилган.

Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, муаллифлар томонидан деҳқончилик маҳсулотларидан донли экинлар, полиз экинлари, маккажўхори, пахта, лавлаги, тамаки, картошка, мева ва узумлар, чой таннархини аниқлаш усуллари аниқ ва батафсил ёритилгандир.

## **7. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Шарқ, 2004.**

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ушбу дарслик бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида қўйилган бир қадамдир.

Дарслик 4-бўлим, 22-боб ҳамда 3 та иловадан иборат бўлиб, унинг 6-боби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига бағишланган. Ушбу бобда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари, харажатларнинг туркумланиши, ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма

ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш усуллари кенг баён қилинган. Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унинг илова қисмида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун, «Янги счётлар режаси» ҳамда «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи тўлиқ ёритилганидир.

**8.Қудратов Т. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: 2010.**

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ушбу қўлланма 13-бобдан иборат бўлиб, унинг 8-боби бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг таҳлилига бағишланади. Бу бобда таҳлилнинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш, ҳисоблаш тартиби аниқ мисоллар билан ёритилган. Бундан ташқари ушбу бобда таннархни харажат моддалари бўйича омилли таҳлил қилиш усуллари ва йўллари батафсил баён қилинган.

**9. Абдувоҳидов Ф., Сотиволдиева Д. Маҳсулотлар таннархи ва унинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.//Бозор, пул ва кредит. 2011 №4. – 53-55 б.**

Муаллифлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг ҳар бир моддаси устидан кундалик назоратни ўрнатиш, ортиқча сарфларга йўл қўймаслик бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, бу харажатларни умумий ишлаб чиқариш харажатлари сифатида ҳисобга олинишини таъкидлаб, умумий ишлаб

чиқариш харажатлари ҳисобида айрим муаммолар, яъни умумий ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва тақсимлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатишган. Бу муаммоларни ҳал этишда умумий ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинаётган машина ва ва асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини бухгалтерия ҳисобининг миллий счётлар режасига янги 2400-«Ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари ҳисоби» счётини киритиш ва ушбу счётга корхона бўйича сарфланган таъмирлаш харажатлари тўғрисида маълумотларни шакллантириш, бу счётнинг дебет томонида жами ҳақиқий таъмирлаш харажатлари ва кредит томонида ушбу харажатлар калькуляция объектларига ҳисобот оyi охирида тақсимланганда акс эттириш мақсадгу мувофиқ, деб ҳисоблашади.

**10. Ниёзов С. Бошқарув ҳисобида харажатлар классификацияси. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012, №1. – 43-44 б.**

Муаллиф корхонани бошқариш учун харажатларнинг корхона бўйича умумий ҳажми ҳақидаги маълумотларнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайди. Бунинг учун харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари, калькуляция объектлари, масъулият марказлари ва бошқа белгилари бўйича ҳам гуруҳланган ахборотлар зарур дейди. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш мақсадида харажатларни классификация қилишда эътиборни учта мезонга, яъни корхона фойдасига ўтказиш даврига қараб, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ва таннархга киритилиш усулига қараб ташкил этиш лозим. Муаллиф харажатлар классификациясига тўғри ёндошиш бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда мониторингини ўтказиш мақсадида қўлланиладиган ахборотлар-маълумотлар асосида харажатлар таркибини ҳамда натижаларини чуқур тушунишга, моҳиятига етиб боришга хизмат қилади, деб таъкидлайди.

**11.Турсунов У. ва бошқалар. Ишлаб чиқаришни бошқаришда харажатларнинг роли. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2012 №3. 40-41 б.**

Ҳар бир хўжалик субъекти учун тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний босқичи ҳисобланади. Маҳсулотни режадаги ҳажми бўйича сотиш ишлаб чиқарувчига ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш, давлат бюджети, кредит бўйича банклар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбуриятларни бажариш имкониятини яратади ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва келажакда ривожланиш учун муҳим бўлган фойда олишга ёрдам қилади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакли бевосита харажатлар ва маҳсулот таннархига таъсир қилади. Шу сабабли ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштиришда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда уларни тўғри туркумлаш ва тегишли маҳсулот турига олиб бориш муҳимдир

Муаллифлар иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермерлар олдидаги муҳим вазифалардан бири маълум ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи қанчага тенг бўлишини аниқлашдан иборат, деб таъкидлашади.

## **2-боб. Объектнинг иқтисодий тавсифи**

Пахтани қайта ишлаш саноат корхоналари мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар иқтисодиётида салмоқли ўринга эга. Пахтани қайта ишлаш саноат корхоналари пахта хом ашёси етказиб берувчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан бир томондан, иккинчи томондан эса, ўзи хом ашё етказиб берувчи сифатида тўқимачилик ва ёғ-мой саноат корхоналари билан чамбарчарс боғлиқ ҳолда фаолият юритади.

Пахта хом ашёси етиштирувчи пахтачилик тармоғи қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий фаол аҳолининг асосий қисми пахтачиликда банд бўлиб, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулоти 15810,7 млрд. сўмни ташкил этиб, бу мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 25,5 фоиздан ортиғини ташкил этади. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятида ҳам пахтачилик тармоғи ўз ўрнига эга бўлиб, 2010 йилда пахта толасини экспорти жами экспортнинг 10,5 фоиздан ортиғини ташкил этди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари пахтачилик билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Яъни, пахтачиликда эришилаётган натижалардан келиб чиқилган ҳолда республиканинг ҳудудлари ва улардаги тармоқлар ривожланишининг динамикаси белгиланади. Ўзбекистон жаҳон бозорида юқори ликвидли маҳсулот – пахта толаси, момиқ ва бошқа пахта маҳсулотлари сотиши республикамизга хорижий валюта тушишининг асосий манбаидир. Бу эса, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги самарали фаолиятини таъминлайди.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар тўқимачилик ва бир қатор озиқ-овқат, кимё, фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё тури ҳисобланади. Пахта толасидан тўқимачилик саноатида калава ип, газламалар, трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади. Пахта линтидан вата (тиббийёт момиғи), сунъий

---

<sup>2</sup> Статистическое обозрение Узбекистана. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

шойи, целлюлоид, фото ва кино плёнкалари, қоғоз, турли лаклар ва бошқалар тайёрланади. Тола чиқиндиларидан иссиқ кийимлар учун пахта, қаттиқ қоғоз олинади. Пахта чигитидан истеъмол ёғи турлари олинади. Мойи сиқиб олинган чигит чиқиндиларидан совун, олиф, глицерин ва бошқалар олинади. Ҳатто ғўзанинг барги, чаноғи ва пояси чорва молларига ем-хашак ва аҳоли томонидан ёнилғи сифатида ишлатилади.

Ўз мустақиллигини эълон қилгач, Ўзбекистонда бир ёқлама хом ашё йўналишига барҳам бериш, маъданли-хом ашё захиралари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, пахта хом ашёсини тайёр маҳсулот ҳолигача қайта ишлаш вазифаси қўйилди. 1993-1999 йилларда 1,7-1,9 миллион гектар ерга пахта экилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб пахта экин майдони ҳажми оптималлаштирилиб, йилига 1,40-1,45 млн. гектарни, пахта ялпи ҳосили 3,4-3,6 млн. тоннани ташкил этиб, 1,10-1,20 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда пахта экин майдони, ҳосилдорлиги, ялпи ҳосили ва олинган пахта толаси динамикаси<sup>3</sup>

| Йиллар | Экин майдони, минг гектар | Ҳосилдорлик, ц./га. | Ялпи ҳосил, минг тонна. | Пахта толаси, минг тонна. |
|--------|---------------------------|---------------------|-------------------------|---------------------------|
| 2007   | 1451,3                    | 25,7                | 3683,4                  | 1124,8                    |
| 2008   | 1403,3                    | 24,3                | 3410,0                  | 1086,3                    |
| 2009   | 1346,5                    | 25,2                | 3401,0                  | 1074,7                    |
| 2010   | 1342,5                    | 25,4                | 3411,0                  | 1125,4                    |
| 2011   | 1351,4                    | 25,9                | 3501,0                  | 1174,3                    |

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2011 йилда 2007 йилга нисбатан пахта экин майдони 6,9 фоизга ёки 99,9 минг гектарга камайган. Пахта толасини ишлаб чиқариш эса 4,4 фоизга ёки 49,5 минг тоннага ошган. Умуман олганда, кейинги йилларда пахта экин майдони 1,40-1,45 млн. гектарни ташкил этиб, ялпи ҳосил 3,4-3,6 млн. тоннани ташкил этмоқда.

<sup>3</sup> Статистическое обозрение Узбекистана. www.stat.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июнда ПФ-2874 сонли «Республика пахтани қайта ишлашни монополиядан чиқариш ва бошқарувини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»<sup>4</sup> фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан «Ўзпахтасаноатсотиш» давлат акциядорлик уюшмаси негизида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ташкил этилди. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ташкил этилгандан сўнг пахтани қайта ишлаш корхоналари акцияларининг 51 фоизи давлат ҳиссасига тегишли бўлиб, қолган 49 фоизи эса жисмоний ва юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади. Уюшма таркибига 99 та пахтани қайта ишлаш корхоналари, 10 та вилоят механик устахоналари, олтига материал-техника таъминоти базалари, олтига хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш - қурилиш бошқармалари – жами 149 та хўжалик юритувчи субъектларни ўзида бирлаштирган 13 та «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари (ҲАБ) киритилди.

1990 йилда Ўзбекистонда жами уч фоиз пахта толаси, 1995 йилда 12 фоиз, 2008 йида 34 фоиз, 2010 йилда 38 фоиздан ортиқ пахта толаси қайта ишланган. Яқин йиллар ичида пахта толасини республиканинг ўзида қайта ишлаш улушини 51 фоизга етказиш вазифаси кўзда тутилган.

Республикамизда олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсатнинг йўналишларидан бири пахтани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш асосида, пахта толасини таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахтани қайта ишлаш корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»<sup>5</sup>ги қарорига асосан, «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли корхоналарни модернизация қилиш ва инновацион

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874 сонли «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқарувини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» Фармони. //Халқ сўзи. 2001 йил.12 июнь.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори. //Халқ сўзи. 2007 йил. 4 апрель.

технологияларни жорий этиш бўйича қиймати 125,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 41 та лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу дастурга асосан 2007-2010 йилларда 34 та пахтани қайта ишлаш корхонаси реконструкция қилиниб, янги техника ва жиҳозлар ўрнатилиб, инновацион технологиялар жорий этилди. 2011 йилда етти та пахтани қайта ишлаш корхонаси реконструкция қилинди.

Пахтани қайта ишлаш ҳозирги кунда ривожланган ишлаб чиқариш тузилмасига эга бўлган пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишловчи корхоналардан ташкил топиб, улар пахта хом ашёсига дастлабки ишлов бериш билан шуғулланади. Битирув малакавий ишининг объекти бўлган «Янгиқўрғон-пахта» ОАЖнинг ташкилий тузилмаси 1-расмда акс эттирилган.



**1-расм. Пахтани қайта ишлаш корхонасининг ташкилий тузилмаси**

1-расмдан кўриниб турибдики, «Янгиқўрғон-пахта» ОАЖнинг таркибига пахта хом ашёси сифатини аниқлайдиган лаборатория, қуритиш-тозалаш цехи, жинлаш цехи, босмалаш (тойлаш) цехи, чигитни туксизлантириш цехи, тайёр маҳсулотлар ва материал-заҳиралар омборлари ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш бўлинмаси киради. Бундан ташқари,

корхона ўз таркибида корхона қошидаги ва корхонадан ташқаридаги тайёрлов пунктларига эга.

«Янгиқўрғон-пахта» ОАЖнинг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотлар билан таънишганимизда, улар кейинги йилларда куйидагича бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

**"Янгиқўрғон пахта" ОАЖ нинг иш кучи билан таъминланганлиги\***

| Кўрсаткичлар  | Йиллар |      |      | 2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгаришлар |            |
|---|--------|------|------|---|------------|
|   | 2009   | 2010 | 2011 | мутлоқ (киши)                           | нисбий (%) |
| 1. Барча ходимлар, шу жумладан                            | 297    | 294  | 274  | -23                                     | 92,2       |
| а) Асосий фаолият билан доимий шуғулланувчилар            | 155    | 147  | 141  | -14                                     | 91,0       |
| б) Асосий фаолият билан мавсумий шуғулланувчилар          | 80     | 84   | 78   | -2                                      | 97,5       |
| в) Асосий бўлмаган фаолият билан доимий шуғулланувчилар   | 45     | 45   | 40   | -5                                      | 88,9       |
| г) Асосий бўлмаган фаолият билан мавсумий шуғулланувчилар | 17     | 18   | 15   | -2                                      | 88,2       |

\*"Янгиқўрғон пахта" ОАЖ нинг "Меҳнат бўйича ҳисоботи" (1-т. шакл)нинг 2009, 2010, 2011 йиллар маълумоти асосида муаллиф ҳисоб-китоби..

2-жадвалдан кўришиб турибдики, кейинги йилларда корхонада ишловчилар сони камайган. Жумладан, барча ходимлар сони 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 23 кишига, шу жумладан асосий фаолият билан доимий шуғулланувчилар 14 кишига камайган. Ушбу камайиш асосан ишловчилар сонини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этилиши туфайли рўй берган.

Ишловчилар сони камайган бўлсада корхонада меҳнат унумдорлиги кейинги йилларда ортиб бормоқда (3-жадвал).

**"Янгиқўрғон пахта" ОАЖ да меҳнат унумдорлиги таҳлили\***

| Кўрсаткичлар  | 2010й.  | 2011й   | 2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши |             |
|---|---------|---------|---|-------------|
|   |         |         | Мутлоқ, +; -                            | нисбий, (%) |
| 1.Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи баҳодаги қиймати млн.сўм                               | 14252,4 | 17815,5 | 3563,1                                  | 125,0       |
| 2.Корхона ходимларининг ўртача сони, иши  | 294     | 274     | -20                                     | 93,2        |
| 3.Асосий фаолият билан шуғулланувчи ходимлар, киши  | 231     | 219     | -12                                     | 94,8        |
| 4.Товар маҳсулоти улгуржи баҳосини:<br>-корхонанинг 1 ходимига тўғри келувчи ўртача йиллиги унуми, минг сўм | 48477,6 | 65020,1 | +16542,5                                | +134,1      |
| -асосий фаолият 1 ходимга тўғри келувчи ўртача йиллик иш унуми, минг сўм                                    | 61698,7 | 81349,3 | +19650,6                                | +131,8      |

\*"Янгиқўрғон-пахта" ОАЖнинг «Меҳнат бўйича ҳисоботи» (1-г шакл) ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) шакллари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мавжуд ресурслардан, жумладан, асосий воситаларнинг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади (4 ва 5-жадваллар).

**"Янгиқўрғон пахта" ОАЖда асосий воситалар ҳолати таҳлили\***

| Кўрсаткичлар  | 2009 й | 2010 й | 2011 й | 2011 йилнинг 2009 йилга нисбатан фарқи |
|---|--------|--------|--------|--|
| 1.Асосий воситаларнинг йил охирига қиймати (минг сўм)                 |        |        |        |  |
| - дастлабки   | 3201,7 | 3521,4 | 3917,6 | 715,9                                  |
| - эскириш   | 701,8  | 791,6  | 961,4  | 199,6                                  |
| - қолдиқ  | 2499,9 | 2729,8 | 3016,2 | 516,3                                  |
| 2.Йил давомида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар қиймати(минг сўм) | 107,8  | 96,7   | 112,4  | 4,6                                    |
| 3.Йил давомида қабул қилинган асосий воситалар қиймати (минг сўм)     | 211,4  | 416,4  | 508,6  | 297,2                                  |
| 4.Эскириш коэфцинти   | 0,219  | 0,225  | 0,230  | 0,011                                  |
| 5.Яроқлилиқ коэфцинти   | 0,781  | 0,775  | 0,770  | 0,011                                  |
| 6.Янгиланиш коэфцинти   | 0,066  | 0,118  | 0,130  | 0,074                                  |
| 7.Ҳисобдан чиқариш коэфцинти  | -      | 0,030  | 0,032  | 0,002                                  |

\*Молиявий ҳисоботнинг 3 сонли "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот" шакли маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

**"Янгиқўрғон пахта" ОАЖда 2009 йилда асосий фондлардан фойдаланиш  
самарадорлиги кўрсаткичлари\***

| Кўрсаткичлар   | 2008 йил | 2009 йил |
|--|----------|----------|
| 1. Маҳсулотларнинг улгуржи баҳодаги қиймати.<br>млн.сўм.   | 14252,4  | 17815,5  |
| 2. Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати.<br>млн.сўм. | 3361,6   | 3719,5   |
| 3.Сой фойда. млн.сўм.                                      | 161,2    | 83,0     |
| 4.Фонд қайтими. сўм.                                       | 424      | 479      |
| 5.Фонд сиғими. сўм.  | 23,6     | 20,9     |
| 6.Фонд рентабеллиги. %.                                    | 4,8      | 2,2      |

\*Молиявий ҳисоботнинг 1-сон "Бухгалтерия баланси" ва 2- сон "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" шакллари.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг барқарор фаолиятини таъминлашда молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб масалага айланади. Бу вазифаларни ҳал этишнинг асосий мақсади ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва товар бозоридаги рақобатдошлигини оширишни таъминлашдир.

### **3-боб. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби**

#### **3.1.Харажатларнинг иқтисодий моҳияти, туркумланиши ва ҳисобнинг вазифалари**

Харажатлар ҳисобини ташкил этиш бошқарув ҳисобининг асосини ташкил этади. Бунда, харажатларни бошқарув ҳисоби муаммолари ҳал этилиши товар-моддий захираларни тежаш усулларини топиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш асосида корхоналар рақобатдошлигини оширишни таъминлайди.

Корхоналарда харажатлар ҳисобини ташкил этишга корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари бевосита таъсир этади. Жумладан, пахтани қайта ишлаш корхоналари қайта ишловчи саноат таркибига кириб, тармоқнинг техник ва технолигик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- хом ашёни йил давомида бир маромда қабул қилиш имконияти мавжуд эмаслиги. Яъни пахта хом ашёсини корхоналар йилнинг маълум бир даврида (асосан сентябрь-октябрь ойларида) қабул қилиб олади;

- хом ашёни узоқ муддат сақланиши (уларни дастлабки қайта ишлаб бўлиш кейинги йилнинг июнь ойигача давом этади);

- ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришнинг цехли тузилмасининг йўқлиги. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида жинлаш, қуритиш-тозалаш цехлари мавжуд. Лекин буларда ишлаб чиқариш технологияси бир-бири билан узлуксиз боғланмаган. Қуритиш-тозалаш цехида қабул қилинган хом ашё қуритилиб, тозаланади. Қуритилиб, тозаланган пахта хом ашёси тўғридан-тўғри қайта ишлашга берилиши ёки қайта ишлашга берилмай маълум муддат сақланиши ҳам мумкин;

- бутун ишлаб чиқариш давомида бир турдаги хом ашё қайта ишланиб, бир хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Корхонада ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш жараёнини иккита ўзаро боғлиқ ва бир – бирини тўлдирувчи босқич сифатида кўриш мумкин:

1) ишлаб чиқариш объектлари ва харажатларни ҳосил бўлиш жойи бўйича ҳисоб олиб бориш;

2) маҳсулот таннархини калькуляция қилиш.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби: харажатларни харажат элементлари ва моддалари бўйича гуруҳлаш ҳамда назорат қилишни ўз ичига олади. Унга қуйидагилар киради:

- харажатларни ишлаб чиқариш объектлари кесими ва улар содир бўлиш жойлари бўйича гуруҳлаштириш;

- харажатларни таннарх калькуляцияси моддалари ва шунга тегишли харажатлар сметаси моддалари бўйича гуруҳлаштириш;

- билвосита харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби объектлари бўйича дастлабки тақсимланиши;

- молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга сарфланишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- корхона маъмуриятини иқтисодий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари қабул қилиши учун ахборот билан таъминлаш;

- ҳақиқий харажатлар устидан доимий равишда кузатув ва назорат ўрнатиш;

- ҳақиқий харажатларни меъёрий ҳажмлардан четлашишларини аниқлаш, келгусида иқтисодий стратегияни шакллантириш мақсадида меъёрий ва режавий ҳажмларни солиштириш;

- тайёр маҳсулотни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоб-китоб қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда ҳисоблаш;

-тузилмавий бўлинмалар ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва тўғри баҳолаш;

-ишлаб чиқариш фаолиятида узок муддатли характерга эга бўлган ишлаб чиқариш ва технологик дастурларнинг ўз-ўзини қоплаши, ички ва ташқи бозорларда сотилаётган маҳсулот ассортиментининг рентабеллиги, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш захираларига қўйилган маблағларнинг самарадорлиги ҳақида қарорлар қабул қилиниши учун бошқарув ҳисобининг ахборотларини тизимлаштириш.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот(иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”<sup>6</sup>га биноан амалга оширилади. Бу Низом маҳсулот(иш ва хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларни аниқлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ягона методологик асосини ҳамда бухгалтерия ҳисобида солиққа тортиш мақсадида юзага келувчи фарқларни ҳисобга олишни белгилаб беради.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ барча харажатлар куйидагиларга гуруҳланади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига қўшиладиган харажатлар:

а) сотиш харажатлари;

---

<sup>6</sup> Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. Тошкент.: “NORMA”. 2007. 13-47 бетлар.

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

- хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

- фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган"<sup>7</sup>.

Низомда келтирилган харажатларни туркумланиши биринчи навбатда харажатларни бухгалтерия ҳисобида тўғри ва тўлиқ, шунингдек хўжалик юритувчи субъект фаолиятини молиявий натижасини молиявий ҳисоботда ишончли ва аниқ акс эттиришга йўналтирилган.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархига киритилмаган ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги харажат элементлари бўйича гуруҳланиб, ҳисобга олиб борилади:

1.Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар.

2.Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3.Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

4.Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

5.Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарининг бўлинмалари асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларга ажратилади.

---

<sup>7</sup> Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. Тошкент.: "NORMA". 2007. 16-17 бетлар.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш соҳасига қуйидаги операциялар киради - пахта хом ашёсини қайта ишлашга бериш, пахта хом ашёсига жинлаш цехида ишлов бериш, линтлаш, пресслаш (босма ҳолатига келтириш). Шунингдек асосий ишлаб чиқаришга пахтани қайта ишлаш корхонасининг узлуксиз технологик жараёнига қўшилган қуритиш-тозалаш цехлари ҳам киради.

Пахтани қайта ишлаш корхонасини ёрдамчи ишлаб чиқаришларига асосий ишлаб чиқариш асосий воситаларини, асбоблари, мосламалари, жиҳозларини таъмирлаш, турли хил энергия (электроэнергия, буғ, газ, ҳаво ва бошқалар) манбалари билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш киради.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар қуйидаги харажатлар моддаси бўйича ҳисобга олиб борилади:

Хом ашё:

1. Пахта хом ашёсини харид қилиш қиймати.
2. Тайёрлаш-транспорт харажатлари.
3. Қўшимча(иккиламчи) маҳсулот қиймати (харажатлардан чегирилади).
4. Чиқиндилар қиймати (харажатлардан чегирилади).
5. Қўшимча(иккиламчи) маҳсулот ва чиқиндилар қиймати чиқариб юборилган ҳолда хом ашёнинг қиймати.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича харажатлар:

1. Ўров материаллари.
2. Асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчиларининг асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари.
3. Ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалар.
4. Умумишлаб чиқариш харажатлари.
5. Ишлов бериш харажатлари бўйича жами.
6. Пахта толасини жами ишлаб чиқариш таннархи.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини харид қилиш харажатлари пахта қабул қилиш пунктларида кондицион оғирлигини хом ашёни саноат нави бўйича белгиланган харид баҳоларига кўпайтирилиб аниқланади. Сотиб олиш қиймати амалдаги сотиб олиш баҳоларида ҳисобланади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини харид қилишда куйидаги Давлат стандартларидан фойдаланилади:

О'з DSt 615 :2008 Пахта. Техникавий шартлар.

О'з DSt 643 :2006 Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари.

О'з DSt 644 :2006 Пахта. Намликни аниқлаш усуллари.

О'з DSt 592 :2008 Пахта. Ифлосликни аниқлаш усуллари.

О'з DSt 593 :2008 Пахта. Пахта толасининг тавсифномаларини аниқлаш усуллари.

О'з DSt 642 :1995 Уруғлик пахта. Техникавий шартлар.

Қабул қилинаётган пахта хом ашёсининг кондицион оғирлиги(кг.да) куйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$M_{\phi} = M_p \times \frac{100 + W_p}{100 + W_{\phi}} \quad (1)^8$$

$$M_p = M_{\phi} \times \frac{100 + Z_p}{100 + Z_{\phi}} \quad (2)^9$$

Бу ерда:

$M_{\phi}$  – Пахта қабул қилиш пунктларига топшириш учун олиб келинган пахта хом ашёсининг ҳақиқий массаси (оғирлиги), кг;

$M_p$  – пахта хом ашёсининг ифлосланиш бўйича белгиланган меъёрига келтирилган массаси (оғирлиги);

$W_p$  – 9.0 % тенг бўлган белгиланган намлик меъёри;

$W_{\phi}$  – ҳақиқий намлик, %;

$Z_p$  – 2.0 % га тенг бўлган белгиланган ифлосланиш меъёри;

---

<sup>8</sup> Первичная переработка хлопка-сырца. Учебное пособие. Под общей редакцией Э.З.Зикриёева.-Ташкент, Мехнат, 1999, 29 б.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

$Z_{\phi}$  – пахта хом ашёсидаги ҳақиқий ифлосланиш, %;

Пахта хом ашёсини тайёрлаш бўйича харажатларга бевосита пахта хом ашёсини қабул қилиш, навларга ажратиш билан боғлиқ бўлган ва уни пахта бунтларига жойлаш харажатлари киради. Бу харажатлар ишчиларнинг асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғурта учун ажратмалар, материаллар, асбоб-ускуналар харажатлари ва бошқа харажатлардан иборат. Пахта хом ашёсини пахтани қайта ишлаш корхонасига жўнатиш бўйича харажатларга пахта хом ашёсини транспорт воситаларига юклаш ва транспортда ташиш вақтида ишчиларнинг асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғурта учун ажратма, ёқилғи ва бошқа харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш харажатлари ва калькуляция объектларининг синтетик ва аналитик счётлари номенклатурасини танлаш катта аҳамиятга эга. 2004 йил 1 январдан бошлаб амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти № 21-сон "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"<sup>10</sup>га асосан ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қуйидаги бухгалтерия ҳисоби счётлари қўлланилади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш».

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Кўрсатилган счётларнинг дебитида харажатлар ҳисобга олинади, кредитда эса уларни ҳисобдан чиқарилиши. Ой якунида йиғиб-тақсимловчи 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида ҳисобга олинган

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-БХМС).Т.:Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2007 й.-256 б.

харажатлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш счётларига ҳисобдан чиқарилади.

Пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш натижасида пахта толаси, чигит, момиқ, ўлик аралашмали чиқинди, калта момиқ аралашмали чиқинди маҳсулотлари олинади. Улардан пахта толаси – шартли равишда асосий саналади, қолганлари эса (чигит, момиқ, ўлик аралашмали чиқинди, калта момиқ аралашмали чиқинди) қўшимча маҳсулот ҳисобланади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида қабул қилинган таннархни ҳисоблаш методикаси бўйича калькуляция объекти бўлиб асосий маҳсулот – пахта толаси ҳисобланади, қўшимча маҳсулотлар калькуляция объекти ҳисобланмайди. Пахта толасини ишлаб чиқариш таннархи ҳар бир саноат нави бўйича ва умумий миқдор бўйича ўрнатилган Республика стандартига кўра “ўртача нав” бўйича калькуляцияланади. Калькуляция бирлиги саноат навларидаги 1 тонна тола ҳисобланади. Пахта толасини таннархини калькуляция қилишда жами харажатлардан қўшимча маҳсулотларнинг улгуржи нархлардаги қиймати айрилади.

Пахта толасининг калькуляциясида хом – ашёнинг қиймати пахта хом ашёсини сотиб олиш қиймати ва маълум миқдордаги пахта хом ашёсига тўғри келадиган тайёрлов транспорт харажатларига бўлинади. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари пахта толасининг навларига ўрнатилган коэффицентларга кўра тақсимланади. Коэффицентлар маълум навдаги пахта толаси ишлаб чиқариш учун сарфланадиган арра-соат асосида ҳисоблаб чиқилади. Лекин қайта ишлаш харажатлари толанинг таннархи ичида салмоқли ўрин тутмаслигини ҳисобга олган ҳолда, пахта толаси таннархини калькуляциялашни осонлаштириш мақсадида қайта ишлаш харажатларини саноат навлари ва даврлар бўйича пропорционал тақсимлаш мумкин. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида жами харажатларнинг 14-18 % ни қайта ишлаш харажатлари, 82-86 % ни пахта хом ашёсининг қиймати ташкил этади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида хом ашё тўғридан-тўғри пахта

толасининг тегишли саноат навларига тегишли бўлади. Қайта ишлашга берилган хом ашёнинг қиймати ҳар бир навдаги толани ишлаб чиқариш учун сарфланган пахта хом ашёсининг миқдори ва ассортиментидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ҳар бир саноат нави бўйича калькуляция ўтган йил баҳоларида, режа меъёрлари ва ҳақиқий харажатлар бўйича аниқланади.

Хулоса қилганимизда пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва маҳсулот таннархи калькуляциясининг амалдаги методологиясини ўрганганимизда, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш услубий жиҳатдан тўғри олиб борилмоқда. Лекин, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини бошқарув ҳисобини ташкил этиш талаблари нуқтаи - назаридан, маҳсулот таннархини эса олинандиган маҳсулотларни асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотларга бўлиниши нуқтаи - назаридан ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш методологиясига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга пахтани қайта ишлашда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш методологиясига тегишли ўзгартиришлар киритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини давом эттириш мақсадга муфовикдир.

### **3.2.Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатларнинг бошланғич ва йиғма ҳисоби.**

Корхоналарда бошланғич ва йиғма ҳисобни тўғри ташкил этилиши ва уни ўз вақтида юритилишини таъминлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бошланғич ва йиғма ҳисоб корхона фаолияти билан боғлиқ ахборотлар билан корхона бошқарувчиларини таъминлайди. Ушбу олинган ахборотлар асосида қабул қилинган бошқарув қарорлари корхоналарни самарали бошқаришни таъминлаш билан бирга, эркин рақобат шароитида уларни бир маромда фаолият юритишига олиб келади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида бошланғич ва йиғма ҳисобни тўғри ташкил этилиши ва юритилиши қуйидагиларни таъминлайди:

-Хом ашё ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни нобудгарчиликсиз, тўла ва ўз вақтида киримга олинишини;

-Пахта хом ашёси етказиб берувчилар ва маҳсулот сотиб олувчилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни асоссиз равишда пайдо бўлишини олдини олинишини;

-Корхона харажатлари ва даромадлари, жумладан, пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатлари устидан доимий назорат қилишни;

-Корхонадаги ички ва ташқи бухгалтерия ҳисоботларини ишончли ва ўз вақтида тузилиши ва тақдим этилишини.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида бошланғич ва йиғма ҳисобни ташкил этиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни ҳамда Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрда 131-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

«Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга ошириладиган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади... Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари»<sup>11</sup>.

Бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳисоб қуйидаги уч элементдан иборат:

1. Бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари.
2. Ҳисобдор шахсларнинг кирим-чиқим дафтарлари.
3. Ҳисобдор шахсларнинг ҳисоботлари.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида турли хил бошланғич ва йиғма ҳисоб ҳужжатлари юритилади.

Ишлаб чиқаришда пахта хом ашёсини фақат тўлиқ партия билан қайта ишлашга берилади. Пахта хом ашёсини қайта ишлашга бериш, қайта ишланиши белгиланган пахта хом ашёсини сақланиши учун масъул бўлган таснифловчи ва тайёр маҳсулот таснифловчиси томонидан ёки пахтани қайта ишлаш корхонаси бош таснифловчиси томонидан амалга оширилади.

Қайта ишлаш учун берилган пахта хом ашёси ва қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия ҳужжатлар қўлланилади:

- «Ишлаб чиқариш топшириғи» (28-ХЛ шакл);
- «Тайёр маҳсулотни тортиш» (№29-ХЛ шакл);
- «Сутка давомида тойланган тола ишлаб чиқиш ҳақида маълумотлар» (30-ХЛ шакл);

---

<sup>11</sup> Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. –Т.: «NORMA», 2007. – Б. 6.

-«Сутка давомида пахта линти ва тола чиқиндилари ишлаб чиқиш ҳақида маълумотлар»(31-ХЛ шакл);

-«Пахта толаси, пахта линти ва толали чиқиндилар ишлаб чиқиш ҳақида билдирги»(32-ХЛ шакл);

-«Тайёр маҳсулот чиқаришни ҳисобга олиш журнали»(33-ХЛ шакл).

Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар: пахта толаси, чигит, момиқ, улюк аралашмали чиқинди, калта момиқ аралашмали чиқиндилар бешинчи қаторда ҳақиқий массада, еттинчи қаторда кондицион массада акс эттирилади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида хом ашё, тайёр маҳсулот ҳаракати ва сотиш муомалалари бўйича турли хил бухгалтерия ҳужжатлари қўлланилади. Ушбу қўлланиладиган ҳужжатларни атрофлича ўрганганимизда, улар кетма- кетлиги ва ахборотларни олиш тезкорлиги етарлича эмаслиги, пахтани қайта ишлаш корхоналарининг асосий фаолияти бўлган пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар бошланғич ва йиғма ҳисобини такомиллаштириш заруриятини кўймоқда. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатларда маҳсулотнинг қайта ишлаш натижаларини сифат кўрсаткичи ҳисобланган - тола чиқишининг меъёрдан четланиши ва толанинг сортларга - синфларга ўтишдаги ўзгаришлари ҳамда бунинг сабаблари ўз аксини топмайди. Меъёрдан четланиш фақат пахтани қайта ишлаш корхонасининг фаолиятига боғлиқ бўлмай, балки қайта ишлашга берилган пахта хом ашёсини селекцион сорти, қайта ишлашга берилгунга қадар сақланиш муддати ва табиий-иқлим шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Маҳсулот чиқишини меъёрга нисбатан четланиши ва қайта ишлашда пахтанинг саноат сортларига қараб толанинг сортларга-синфларга ўтиш кўрсаткичларининг ўзгариши ҳисобга олиб бориладиган ҳужжат («Ишлаб чиқариш топшириғи(28-ХЛ)»)да асосан натурал кўрсаткичлар акс эттирилиши туфайли сабабини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Шу билан бирга пахта хом ашёсини бевосита қайта ишлаш бир технологик жараёнга

бирлашган жинлаш, линтерлаш ва тойлаш участкаларидан иборат бўлиб, «Ишлаб чиқариш топшириғи(28-ХЛ)» асосида, ҳар бир участкани фаолиятини баҳолаб бўлмайдди, ҳамда ҳужжат 4 бўлимдан иборат бўлиб, реквизитлар асосан матн кўринишида ёзилиши, ҳужжатни расмийлаштириш жараёни кўп вақт талаб қилади.

Юқорида қайд этилган камчиликларни тугатиш мақсадида, «Ишлаб чиқариш топшириғи (28-ХЛ)»да хом ашё сарфи ҳисоби ва назоратини қуйидагича юритиш лозим: «Ишлаб чиқариш топшириғи»нинг I-бўлимида пахта хом ашёсини қайта ишлашга берилиши ҳисобга олинади. Бу бўлимдаги «Пахта қуйидаги пахта тайёрлов пунктлари ва хўжаликлардан келган» реквизитини «Пахта хом ашёси келган» деб номлаш, 20 қатордан иборат кўрсаткич ўрнига бир қатор қолдириш лозим. Чунки, пахтани қайта ишлаш корхонасида бир тайёрлов пунктидаги саноат сорти бир хил бўлган пахта хом ашёси учун алоҳида «Ишлаб чиқариш топшириғи» расмийлаштирилади. Ҳужжатдаги бу ўзгариш, қайта ишлаш учун берилган пахта хом ашёси тўғрисидаги маълумотларни ихчам ва қулай акс эттириш имконини беради.

«Ишлаб чиқариш топшириғи»нинг II-бўлимида пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар чиқиши ҳисобга олиб борилади. Кўрсаткичлар асосан натурал ўлчов бирликларида бўлиб, тола чиқишининг меъёрдан четланишини ва толанинг сортларга-синфларга ўтишдаги ўзгаришларини қиймат ўлчов бирлигида ҳамда буларнинг сабабларини аниқлаш имкони йўқ. «Ишлаб чиқариш топшириғи (28-ХЛ)»нинг такомиллашган шакли, яъни пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар чиқиши ва пахта хом ашёси саноат сортларидан – толанинг саноат сортларига ўтишидаги ўзгаришини қиймат ва натура ўлчов бирликларида тезкор аниқлаш ва назорат қилиш, четланиш бўлса сабабларини аниқлаш ҳамда тайёрлов пунктларининг хом ашёни сақлаш ишларига баҳо бериш имконини яратади.

Битирув ишида пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнидаги бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар ўрнига, ахборотлар тўлалигини таъминлайдиган ҳужжатлар таклиф этилди. Таклиф этилган ҳужжатлар унификациялаш ва стандартлаш талабларига жавоб беради, бухгалтерия ҳисобининг «1С – Бухгалтерия» ёки «БЭМ» электрон дастурлари қўлланганда ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу эса, дастлабки ва йиғма ҳисобни такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб маълумотлари тўлалиги ва тезкорлигини ошириб, қоғоз сарфини тежаш, электрон ахборот алмашинувини яхшилашга олиб келади.

### **3.3. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ва олинган маҳсулотларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103сонли буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181сон билан рўйхатга олинган №21 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» асосида амалга оширилади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш жойига етказиш ва қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия счётларидан фойдаланилади:

1010- «Хом ашё ва материаллар».

1510- «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».

2010- «Асосий ишлаб чиқаришлар».

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши бўйича қўлланиладиган бухгалтерия счётларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, пахта хом ашёсини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишалаш жойига етказиш ва қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия счётларини таклиф қиламиз:

1010 - «Пахта хом ашёси» счёти.

2010 - «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари» счёти.

2020 - «Пахта хом ашёси сотиб олиш ва сақлаш харажатлари» счёти.

2030 - «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлар» счёти.

1010- «Пахта хом ашёси» счётида пахта хом ашёсини қиймати пахта етиштирувчи хўжаликлардан давлат харид нархлари асосида сотиб олган

баҳода акс эттирилиб, аналитик счётлар пахта хом ашёсини саноат сортлари ва синфлари бўйича акс эттирилади.

2010- «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари» счётида пахта хом ашёсини сотиб олиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари билан пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари ҳисобга олиб борилади.

2020- «Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари» счётида пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олиб борилади ва бу харажатлар сотиб олинган пахта хом ашёсининг физик салмоғига қараб тақсимланиб, хом ашё қайта ишлашга берилганда, пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатларига ўтказилади.

2030- «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари» счётида пахта хом ашёсини сақлаш жойи(пахта қабул қилиш масканидан) қайта ишлаш жойи(пахтани қайта ишлаш корхонаси)гача етказиш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари ҳисобга олиб борилади. Ушбу харажатлар ҳам пахта хом ашёси қайта ишлашга берилгандан сўнг, 2010 - «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари» счётига ўтказилади. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларида бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича счётларнинг корреспонденциясини таклиф этилаётган варианты б- жадвалда берилган.

б-жадвал

**Пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнларида бухгалтерия ҳисоби счётлари корреспонденциясининг тавсия қилинаётган варианты<sup>12</sup>**

| Т /р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни   | Счётлар корреспонденцияси |        |
|------|---|---------------------------|--------|
|      |   | Дебет                     | Кредит |
| 1.   | Пахта хом ашёси харид нархларида пахта хом ашёси етиштирувчи хўжаликлардан сотиб олинди                     | 1010                      | 6010   |
| 2.   | Пахта хом ашёсини пахта қабул қилиш масканига етказиб бериш бўйича хўжаликларга қўшимча тўловлар ҳисобланди | 2020                      | 6010   |
| 3.   | Пахта хом ашёсини қабул қилиб олиш ва сақлаш ишларида банд бўлганларга иш ҳақи ҳисобланди                   | 2020                      | 6710   |
| 4.   | Иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди  | 2020                      | 6410   |

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган

|     |  |                                    |   |
|-----|--|------------------------------------|---|
| 5.  | Пахта хом ашёси сақлаш жараёнида банд бўлган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди   | 2020                               | 0220-0290   |
| 6.  | Пахта хом ашёсини сақлаш жараёнида банд бўлган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари (хўжалик усулида)  | 2020                               | 2310  |
| 7.  | Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш жараёнида идиш ва идишбоп материаллар сарфланди   | 2020                               | 1060  |
| 8.  | Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш жараёнида фойдаланилган хўжалик буюмлари ва инвентарлар суммаси   | 2020                               | 1080  |
| 9.  | Пахта хом ашёси сотиб олиш ва сақлаш жараёнида электр энергияси сарфланди  | 2020                               | 6010  |
| 10. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойи (пахтани қайта ишлаш корхонаси) га ўз транспорт воситасида етказиб берилди  | 2030                               | 2310  |
| 11. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб беришда банд бўлганларга иш ҳақи ҳисобланди   | 2030                               | 6710  |
| 12. | Иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди   | 2030                               | 6410  |
| 13. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига четдан жалб қилинган транспорт воситасида етказиб берилди   | 2030                               | 6010  |
| 14. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб беришда идиш ва идишбоп материаллар сарфланди   | 2030                               | 1060  |
| 15. | Пахта хом ашёси қайта ишлашга берилди  | 2010                               | 1010  |
| 16. | Пахта хом ашёсини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари қайта ишлашга берилган пахта хом ашёси салмоғига мос равишда ҳисобдан чиқарилди   | 2010                               | 2020  |
| 17. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиб бериш харажатлари қайта ишлашга берилган пахта хом ашёси салмоғига мос равишда ҳисобдан чиқарилди   | 2010                               | 2030  |
| 18. | Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари:<br>- Асосий ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланди<br>- Иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди<br>- Пахта хом ашёсини қайта ишлашда электр энергияси сарфланди<br>- Пахта хом ашёсини қайта ишлашда фойдаланиладиган ускуна ва жиҳозларни сақлаш харажатлари тақсимланди<br>- Умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимланди<br>- Меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари ҳисобга олинди | 2010<br>x<br>x<br>x<br>x<br>x<br>x | x<br>6710<br>6410<br>6010<br>2310<br>2510<br>6010 |

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлашга бериш ва қайта ишлаш харажатларини тақлиф қилинаётган бухгалтерия счётларида олиб бориш, пахта хом ашёсини ўзини қиймати, уни сақлаш, қайта ишлашга бериш(транспорт-тайёрлов) ва қайта ишлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш ва уларни доимо назорат қилишни ҳамда, бошқарувчиларни асосий ишлаб чиқариш харажатлар тўғрисида аналитик бўлган ахборотлар билан таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлайди. Шу билан бирга бошқарув ҳисоби услубиётини такомиллаштириб, бухгалтерия счётлари маълумотлари асосида тезкор ахборот олиш соддалашади.

Умуман олганда, таклиф қилинаётган бухгалтерия ҳисоби счётларини амалиётда жорий қилиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига, №21 – Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мос келади, пахта хом ашёсини ўзини қиймати, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олишни ва бошқарувчиларни аналитик бўлган ахборотлар билан тезкор таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади.

## **4-боб.Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.**

### **4.1. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари.**

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобда акс эттириш, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашни ва маҳсулот таннархини шакллантириш жараёни устидан назорат қилиш учун зарур ахборотни таъминлайдиган усуллари мажмуи тушунилади.

- Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар ҳисобида пахта хом ашёси сақланганда, ташилганда табиий камайиш меъёрлари, пахта хом ашёсини қайта ишлаш чоғида харажатлар меъёри бўйича тавсия ҳамда пахта хом ашёсини транспорт воситасида ташиганда чекланган таърифлар меъёрлари тавсияси юқори ташкилоти томонидан белгилаб берилади.

Умуман олганда, корхонада харажатлар ҳисобини ташкил этиш ишлаб чиқариш ҳисобининг асосини ташкил этиб, уни ташкил этилиши харажатлар устидан назорат қилишни, таҳлилни амалга оширишни ва маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган калькуляциясини таъминлаб, бошқарувчиларни зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаши лозим.

Пахтани қайта ишлаш корхоналари бир вақтда тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ бўлган тармоқ хусусиятига эга бўлганлиги учун, харажатлар ҳисоби ва маҳсулотнинг таннархини калькуляциялаш вазифалари фаолиятнинг тайёрлаш ва ишлаб чиқариш соҳалари бўйича алоҳида бажарилади.

Пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари ҳисоби ва пахта хом ашёси, пахта ва ундан олинadиган саноат маҳсулотининг таннархини калькуляциялашда маҳсулотнинг таннархини пасайтиришнинг барча заҳираларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобига пахтани қайта ишлаш корхоналари самарадорлигини ошириш, пахта хом ашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган

ҳақиқий харажатларни ўз вақтида ва ишончли акс эттиришни таъминлаш зарур.

Фикримизча калькуляция ҳисоби ва калькуляция – бу бир хил тушунча эмас, аммо бир-биридан уларни ажратиш ҳам мумкин эмас. Ҳисоб усуллари ва ҳисоб кўрсаткичлари қандайдир умумий йиғиндиси мавжуд ва у маҳсулотни калькуляциялаш умумий тизимининг унсури бўлиб хизмат қилади. Таннархни ҳисоблаш - бу нафақат калькуляция (умумий калькуляция, маҳсулот бирлиги таннархи аниқлаш), бу калькуляцияни ишончли маълумотлар билан таъминловчи ҳисоб усуллари ва ҳисоб-китобларининг йиғиндиси дир.

Бу усуллар ва ҳисоб - китобларга ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил этиш, таннархга киритиладиган билвосита харажатларни йиғиш ва тақсимлаш, харажатларни ҳисобдан чиқариш бўлиб, шулар асосида «харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннаҳини калькуляция қилиш усуллари» деб номланувчи атамаalar киради.

Бухгалтерия ҳисобида калькуляция алоҳида категория бўлиб, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг бир қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби методологиясининг илк босқичларида харажатларнинг аналитик ҳисоби, калькуляциялашнинг негизи эди ва унинг ташкил этилиши маҳсулотнинг таннарҳини ҳисоблаб чиқиш методикасига бўйсунар эди.

Ҳозирги кунда харажатларнинг аналитик ҳисоби калькуляциялаш доирасидаги ишлардан юқори вазифаларни бажармоқда, яъни харажатларни пайдо бўлиши жойи, ҳисоб объектлари, масъулият марказлари, харажат меъёрлари бўйича гуруҳлаштиради, меъёрлардан ўзгариш ва четланиши бошқа гуруҳларни келтириб чиқаради. Харажатлар ҳисоби ва калькуляциялаш- мустақил ва лекин ўзаро боғлиқ элементлардир. Фақат харажатлар ҳисобида олинган батафсил ахборотларни, калькуляциялаш натижасида олиб бўлмаслиги, харажатлар ҳисоби мукамавроқлигини

кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам харажатлар ҳисобини бошқарув мақсадлари учун хоҳланган батафсилликкача олиб бориш мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, калькуляция тизимидан кенгроқ, чунки турли аналитик гуруҳларни ўз ичига олади.

Калькуляция калькуляциялашнинг натижаси ҳисобланади. Унинг тузилмасига кўра калькуляция ҳисоб тартиби, ҳисоб китоб қилиш тизими ва маҳсулот таннархи ҳақидаги ахборотларни шакллантирилади. Калькуляцияда ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ очиб берилмаганлиги, унда айрим харажатлар ажратилганлиги, батафсиллиги ва аниқлигига боғлиқ.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда қайси маҳсулот таннархини аниқланиши, яъни калькуляция объектни билиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш вақтида, қайси маҳсулот таннархи аниқланса, ўша маҳсулот калькуляция объекти ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида олинган маҳсулотлар шартли равишда учга бўлинади:

1. Асосий маҳсулот. Ишлаб чиқариш қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ташкил этилган бўлса, ўша маҳсулот асосий маҳсулот ҳисобланади.

2. Ёндош маҳсулот. Аҳамияти жиҳатидан асосий маҳсулотга тенглашадиган ва асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш давомида у билан бирга олинadиган маҳсулотлар ёндош маҳсулотлар дейилади.

3. Қўшимча маҳсулот. Аҳамияти жиҳатидан асосий маҳсулотга тенглаша олмайди, лекин асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида у билан биргаликда олинadиган маҳсулотлар қўшимча маҳсулотлар дейилади. Асосий ва ёндош маҳсулотлар калькуляция объектлари ҳисобланиб, қўшимча маҳсулотлар калькуляция объекти бўлмайди.

Ишлаб чиқаришнинг технологияси ва характеридан келиб чиқиб калькуляция объекти сифатида: тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотлар ёки маҳсулотларнинг комплекслари; буюмлар ёки ярим фабрикатлар, турли буюмлар, бир номдаги буюмлар ёки якка тартибда ишлаб чиқилadиган турли

буюмлар; қурилиш объектларида яқунланган қурилиш босқичлари; ишлар ва хизматлар турлари бўлиши мумкин.

*Калькуляциялаш методлари* – бу корхона (ташкilot), унинг бўлинмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматнинг таннархини ҳисоблаш жараёнида фойдаланиладиган усулларнинг илмий асосланган йиғиндисидир.

Калькуляциялаш методлари деганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва акс эттиришни ташкил этишнинг усуллари йиғиндиси тушунилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва акс эттириш тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи шаклланиши ва аниқланиши жараёнини назорат қилишни таъминлайди.

Тайёр маҳсулотни калькуляциялаш усулларининг хилма – хиллиги бир қатор омилларда аниқланди ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тармоқ хусусиятлари ва ташкилий шарт-шароитлар.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг қуйидаги усуллари кенг тарқалган ҳисобланди:

- оддий усули;
- меъёрий(норматив) усули;
- буюртмали усули;
- бўлинмали(жараёнли) усули;
- «директ-костинг» усули;
- «стандарт - кост» усули.

Ушбу усулларнинг асосий мазмунини кўриб чиқамиз.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг оддий усули - маҳсулот(иш, хизмат) таннархига киритиладиган бевосита ва билвосита харажатлари алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олиб бориб, маҳсулот(иш, хизмат) таннархини аниқлашдан олдин, билвосита харажатлар белгиланган тартибда харажат объектлари ўртасида тақсимланади. Сўнгра эса, ҳар бир маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи калькуляция қилинади. Агар

харажат объекти ҳам битта, калькуляция объекти ҳам битта бўлса, жами харажат маҳсулот миқдорига бўлиниб маҳсулот таннархи калькуляция қилинади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули - ишлаб чиқариш харажатларини олдиндан меъёрлаштириш, меъёрлар бўйича уларни ўзгариши ва келгусида меъёрлардан оғишишларни аниқлашни ҳисобга олган ҳолда олдиндан ҳисоб - китоб қилиш ҳисобланади. Меъёрий усул ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир, чунки бу усул ишлаб чиқариш операцияларида меҳнат ва материал ресурслари харажатларини олдиндан меъёрлаштиришни назарда тутди.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар бир олинган буюртма бўйича харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бунинг учун бухгалтерияда ҳар бир буюртма бўйича харажатларни ҳисобга олиб бориш учун алоҳида аналитик счётлар очилиб, ушбу аналитик счётларда маҳсулот таннархига кирувчи тўғри(бевосита) харажатлар ҳисобга олиб борилади. Маҳсулот таннархига қўшиладиган умумишлаб чиқариш харажатлари (билвосита харажатлар) корхонада қабул қилинган тартиб асосида тақсимланиб, ҳар бир буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилади. Бевосита ва билвосита маҳсулот таннархига кирувчи харажатлар асосида, ҳар бир буюртма бўйича тайёрланган маҳсулот таннархи алоҳида аниқланади. Агар ҳар бир буюртма асосида бир неча турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, харажатлар ҳар бир маҳсулотга тақсимланиб таннарх аниқланади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлинмали (жараёнли) усули. Айрим ишлаб чиқаришлар тайёр маҳсулот олиш учун саноат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини кимёвий-физикавий, биологик ва термик жараёнлар асосида тартибли қайта ишлаши билан

характерланади. Бундай ишлаб чиқаришларнинг ўзига хос хусусияти уларда бир неча бўлим (жараён)лар бўлиб, бу бўлим(жараён)лар натижасида оралик маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот) ёки якунланган тайёр маҳсулот олинади. Бундай ишлаб чиқаришларда ҳисоб объекти – ҳар бир мустақил қайта ишлаш бўлинма(жараён) лари ҳисобланади ҳамда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлинмали(жараёнли) усули қўлланилиб, ҳар бир технологик жараёнлар бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, аналитик счётларда ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Натижада ҳар бир бўлинма (жараён) бўйича олинган ярим тайёр ёки тайёр маҳсулот таннархини калькуляциялаш имкони пайдо бўлади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «директ костинг» усули бўйича калькуляциялаш чоғида таннархни назорат қилувчи моддалар сони қисқаради, аммо бу ҳолатда харажатларни доимий ва ўзгарувчиларга фарқлаш қийинчилиги юзага келади. Шунинг учун тўлиқ таннархни аниқлаш мақсадида қўшимча кўп меҳнат талаб қиладиган ҳисоб – китоблар талаб этилади. Лекин бу камчиликлар ҳисоб ёзувлари бўйича доимий равишда маржинал даромадни қайд этиб бориш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг критик нуқтасида ҳисоблаш учун зарур маълумотларни йиғиш имкониятларига эга бўлиш ҳисобига қопланиб кетади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «стандарт – кост» усули. Бу усулнинг асосий хусусияти – четлашишларни тезкор аниқлаш ва бу четлашишлар бўйича харажатларни тезкор бошқаришдир. Таннарх стандартлари ишлаб чиқариш бўлинмасининг бошқарувчисига етказилади ва бу унга ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар сарфланишининг энг маъқул вариантини танлашга имкон беради. Бу тизим асосан ишлаб чиқаришнинг тўғри харажатлари(меҳнат, материал)ни назорат қилишда қўлланилади. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «стандарт-кост» усули амалиётини умумлаштириш

асосида «стандарт-кост» тизими бўйича оғирлик маркази аста-секин маҳсулот калькуляциясидан ишлаб чиқариш чоғида харажатларнинг тезкор назоратига ўтказилиши кузатилган. Ишлаб чиқариш участкаларида ва иш жойларида стандарт харажатларга аниқ амал қилиш якуний натижада стандарт калькуляция томонидан назарда тутилган маҳсулотнинг таннархини таъминлайди.

## **4.2. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблаш.**

Корхоналарда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш бошқарув ҳисобининг ажралмас қисми ҳисобланади. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш бошқарув ҳисобини такомиллаштириш билан бирга уни янада юқори босқичга кўтаради.

«Корхонанинг ҳисоб сиёсати» корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг юритилишида алоҳида аҳамиятга эга. «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» термини ХХ-асрнинг 80-йилларида бизнинг иқтисодий адабиётимизга кириб келган. Бу термин инглиз тилидаги «accounting policies» сўзидан таржима қилинган. «Ушбу термин дастлаб 1994 йил 26 мартда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида Низом»да, сўнгра эса 1998 йил 14 августда Адлия вазирлигида 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган №1 БҲМС»Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати»да ўз аксини топиб, ҳозирги кунда ўқув адабиётлари ва амалиётда кенг қўлланилмоқда»<sup>13</sup>. Корхонларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишга корхонанинг мулкчилик ва хўжалик юритиш шакли, фаолият тури, макроиқтисодиётнинг қайси тармоғига тегишли эканлиги, солиқ тизими, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳисоб ходимларининг малакаси ва бошқа омиллар таъсир қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» тушунчасининг таърифи ўз аксини топмаган. Лекин, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича бошқа амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» тушунчасини моҳияти ёритилиб берилган. Ўзбекистон Республикаси 1-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «ҳисоб юритиш сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия

---

<sup>13</sup> Иткин Ю.М., Егорычева И.Ф. «Учетная политика предприятия в Узбекистане» -Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана, 2000. – Б.5.

ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш асослари ва қоидаларига мос равишда усулларининг қўлланилиши тушунилади»<sup>14</sup>. Корхонанинг ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект бухгалтери томонидан ишлаб чиқилади ва раҳбари томонидан тасдиқланади.

К.Б.Уразов ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берган: «Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усулларини ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжат тушунилади»<sup>15</sup>. Ушбу берилган таъриф ҳисоб сиёсатини мазмунига мос келади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахтани хом ашёсини қайта ишлаш натижасида бири неча турдаги маҳсулот: пахта толаси, пахта чигити, момик, улюк аралашмали чиқинди, калта момик аралашмали чиқинди олинади. Улардан пахта толаси асосий маҳсулот, қолган маҳсулотлар(пахта чигити, момик, улюк аралашмали чиқинди, калта момик аралашмали чиқинди) эса қўшимча (иккиламчи) маҳсулотлар ҳисобланади. Бошқарув ҳисобида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархини калькуляция қилишда асосий ва ёндош маҳсулотлар таннархи калькуляция қилиниб, қўшимча маҳсулотлар таннархи калькуляция қилинмайди. Шунинг учун, пахтани қайта ишлашда қабул қилинган таннархни режалаштириш ва ҳисобга олиш методикаси бўйича калькуляция объекти бўлиб асосий маҳсулот- пахта толаси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча бу методик томондан асосланмагандир, чунки тола тўқимачилик саноати учун асосий хом ашё бўлса, чигит ёғ-мой саноати учун асосий хом ашё ҳисобланади. Шунинг учун пахта толасини асосий маҳсулот деб ҳисоблаш, чигитни эса унга тенглаштирилган маҳсулот, яъни ёндош

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. –Т. 2004. –Б.16.

<sup>15</sup>Уразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари – Т.: «Фан», 2005. –Б. 151.

маҳсулот деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада фақат пахта толасини эмас, балки чигитни ҳам таннархини калькуляциялаш зарур. Пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляция қилиш учун, барча харажатлардан қўшимча маҳсулот (момик, улюк аралашмали чиқинди, момик аралашмали чиқинди)ларни сотиш нархидаги қийматини айириб, қолган харажатлар суммаси пахта толаси ва чигитни таннархига олиб борилади. Қолган харажатлар асосида пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляциялашда, харажатларни тола чиқишига мос равишда пахта толаси ва чигитга тегишли қисми аниқланади. Масалан, агар тола чиқиши 31% бўлса, унда харажатлар суммасининг 31% ини чигитга, қолган 69% ини толага тегишли деб ҳисоблаш керак. Шундан кейин пахта толаси ва чигитни таннархини калькуляция қилиш лозим.

Пахта толасини таннархи ҳар бир саноат сорти бўйича ва умумий миқдор бўйича ўрнатилган Республика стандарти кўра (“ўртача сорт” бўйича) калькуляцияланади. Калькуляция ўрта толали ва узун толали пахта толаси бўйича алоҳида, баҳоси бир хил гуруҳлар бўйича алоҳида ва ундан ташқари пахта хом ашёси ичида – турлича тола берувчи биологик сортлар бўйича тузилади. Калькуляция бирлиги деб кипга босмалаган тегишли уруғлик ва саноат сортидаги бир тонна пахта толаси ҳисобланади.

Пахта толаси таннархига калькуляция тузишдан аввал пахта хом ашёсининг таннархини режалаштирилаётган йил бошидаги қолдиқлари ҳисобга олинган ҳолда режали калькуляция ва ишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилган бўлиши керак.

Пахта толасининг калькуляциясида хом ашёнинг қиймати пахта хом ашёсини сотиб олиш қиймати ва маълум миқдордаги пахта хом ашёсига тўғри келадиган тайёрлов транспорт харажатларига бўлинади. Лекин ишлов бериш харажатлари толанинг таннархи ичида салмоқли ўрин тутмаслигини ҳисобга олган ҳолда, пахта толаси таннархини калькуляциялашни осонлаштириш мақсадида уларни саноат сортлари ва даврлар бўйича пропорционал тақсимланади.

### **4.3. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мавжуд моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили саналади. Шунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ўз иш фаолиятини ташкил этиш ва ишларни режалаштиришда бунга асосий эътиборини қаратиши ва уни амалиётга татбиқ этиши лозим бўлади.

Пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарида ҳақиқатда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг миқдори қайта ишланган пахта хом ашёсидан тола чиқишига боғлиқ бўлади. Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган толанинг чиқиш фоизини ошириш ҳамда олинган толанинг сортлари сифатини оширишнинг аҳамияти фақат тола таннархини пасайтириш ва пахтани қайта ишлаш саноати корхоналари рентабеллигини оширишга олиб келиши билангина изоҳланиб қолмай, балки бу орқали кўшимча капитал сарф харажатларсиз пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарининг асосий маҳсулоти ҳисобланган – пахта толасини кўпроқ ишлаб чиқариш имконини беради. Пахта толасининг сифати ҳамда тола чиқиш даражаси ғўзанинг ботаник навларининг хусусиятларига, хом ашёнинг саноат сортига, селекция ва уруғлик ҳолатига, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг қоидаларига тўғри амал қилишга ва шунга ўхшаш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Шунини қайд этиш лозимки, пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган пахта толасининг сифатини оширишда пахта хом ашёсини тайёрлаш қоидалари ва кўрсатмаларига, давлат стандартлари меъёрларига тўғри амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинаётган пахта хом ашёсининг тўғри сортини аниқлаш ва вазнини аниқ ўлчаш, партиялар бўйича ғарамларда хом ашёнинг саноат сортларини аралаштиришга йўл қўймаслик, сақлашни белгиланган давлат стандартлари

меъёрлари талабидагидек ташкил этиш, ўз вақтида пахта хом ашёсини қуритиш, тозалаш ва қайта ишлашни амалга ошириш - буларнинг ҳаммаси пахта хом ашёсини сифатини бузилишига ва миқдорини камайишига йўл қўймасликка олиб келиб, юқори сифатли пахта толаси ишлаб чиқаришнинг манбаи ҳисобланади.

Пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинadиган пахта толаси миқдори ошса, яъни тола чиқиши режага нисбатан юқори бўлса, пахта толаси миқдори ошиши ҳисобига таннарх пасаяди, агар тола чиқиши режага нисбатан паст бўлса, олинган пахта толаси миқдори камайиши ҳисобига таннарх ошади. Шу билан бирга, режага нисбатан ҳақиқатда тола чиқиши юқори бўлганда ҳақиқатда олинган толага пахта хом ашёси сарфи режадагига нисбатан кам миқдорда пахта сарфланади, бунда қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори камайиб, харажатлар ичида хом ашё харажатлари солмоғи камайиши ҳисобига толанинг таннархи пасаяди.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта толаси ва чигит таннархини ҳисоблаш усули тавсия этилди. Тавсия этилган таннархни аниқлаш усули бўйича пахта толаси ва чигит таннархини аниқлашнинг қуйидаги формулалари таклиф этилди:

$$T_T = \frac{(X - K_M) * (100 - \Phi)}{100 * P_T} \quad (1)$$

$$Ч_T = \frac{(X - K_M) * \Phi}{100 * P_Ч} \quad (2)$$

Бу ерда,  $T_T$  – бир тонна тола таннархи, минг сўм

$X$  – маҳсулот таннархига киритилadиган харажатлар, минг сўм

$K_M$  – қўшимча маҳсулотлар қиймати, минг сўм

$\Phi$  – пахта хом ашёсини қайта ишлашдан тола чиқиши, % да

$P_T$  – пахта толаси миқдори, тонна

$Ч_T$  – бир тонна пахта чигити таннархи, минг сўм

$P_Ч$  – пахта чигити миқдори, тонна

«Янгиқўрғон-пахта» ОАЖ<sup>16</sup> бўйича 2011 йилда таклиф этилган формулалар асосида пахта толаси ва чигит таннархи қуйидагича бўлган:

$$T_T = \frac{(138836148 - 2566731) * (100 - 33,82)}{100 * 70467} = 136269417 * 66,18 :$$

$$: 100 * 70467 = 90183102 : 70467 = 1479,8 \text{ минг сўм}$$

$$Ч_T = \frac{(138836148 - 2566731) * 33,2}{100 * 118222} = 136269417 * 33,2 : 100 :$$

$$: 118222 = 46086315 : 118222 = 489,8 \text{ минг сўм}$$

Демак, таклиф қилинган таннархни ҳисоблаш методикаси бўйича 2011 йилда бир тонна пахта толасини ҳақиқий таннархи 1479,8 минг сўмни, бир тонна пахта чигити таннархи 489,8 минг сўмни ташкил этган. Амалдаги таннархни ҳисоблаш методикаси бўйича бир тонна пахта толаси таннархи 1770,3 минг сўм бўлиб, таклиф қилинган методика бўйича бир тонна пахта толаси таннархини 112,5 минг сўмга камайтириш имкони яратилади.

---

<sup>16</sup> Самарқанд вилояти «Пахтасаноат» ҲАБнинг 2010 йил йиллик ҳисоботи 5 С - шакли маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

## **5-боб. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахтсиз ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ҳозирги вақтда инсон табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатарлар дунёсида ишлайди. Инсон ҳаёти ва меҳнати муҳофазаси уни ишлаб чиқаришдаги аҳволи, у билан боғлиқ масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаларидан бири ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида замонавий техника ва технологияларни, микробиологик ва кимёвий моддалар етказиб беришни, чорва молларини катта мажмуаларга ва фермер хўжаликларига бирлаштиришни, иш жараёнларининг йириклашувини, деҳқончиликдаги ишларни оилавий пудрати асосида бажаришни, айрим меҳнат турларини ҳамда воситаларини ўзгартириб боришни ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги – меҳнат шароитининг шундай ҳолатики, унда ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири

истисно қилинган. Ишлаб чиқариш шароитида инсонга жароҳат етказилиши бу физикавий ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари борлигини билдиради.

Технологик жараёнларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари технологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши шарт. Иш жойидан ташқарида бажараётганда хоналарни ва майдонларни танлашга катта эътибор қаратмоқ керак. Шунингдек, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини, ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини оқилона ташкил қилиш билангина таъминлаш мумкин. Материалларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборхоналарда сақлаганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг содир бўлишидан ҳимояланиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб таъкидланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлашга рухсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хизмат қилувчи ходимлар бажараётган ишларига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги бўйича касбий тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим. Барча қишлоқ хўжалик машина ва механизмларига хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилиши, ана шу талабларга мувофиқ қишлоқ хўжалик машина ва механизмларини бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиш ва тўхташ сигналлари бўлиши керак. Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойлар бўшашади, тирқишлар катталашади, мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди ва ҳоказолар. Шу боисдан пала-партиш кўрсатилган техник хизмат бахтсиз ходисаларга сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-113 моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун меҳнат шартномалари тузиш ва пахтани қайта ишлаш корхоналари олдига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

- Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини таъминлаш;
- Касб касалликларини огоҳлантирувчи замонавий хавфсизлик техника воситаларини татбиқ этиш;
- Ишчи ва хизматчиларни бепул ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш;
- Йўриқномалар билан ўз вақтида таништириб бориш;
- Меҳнатга яраша рағбатлантириш;
- Вояга етмаган ёшларни оғир ишларга жалб этмаслик ва ҳоказолар.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни ишловчиларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

## ХУЛОСА

Битирув ишини бажариш жараёнида қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда пахтани қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш асосида корхоналар рақобатбардошлигини оширишда харажатлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Корхоналарда бошланғич бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизитларнинг ахборотлар тўлаллигини сақлаган ҳолда бўлиши бухгалтерия бошланғич ҳисобини такомиллаштириш билан бирга, бошқарувчиларни ўз вақтида тезкор ахборотлар билан таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлайди.

3. Пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида харажатлар ҳисобини тезкор юритиш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини уч гуруҳга бўлиш таклиф қилинди.

4. Пахтани тозалаш корхоналарида хом ашёни, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш ва бошқарувчиларни аналитик ахборотлар билан тезкор таъминлаб, бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги бухгалтерия счётлари таклиф қилинди:

2010-«Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари» счёти.

2020-«Пахта хом ашёси сотиб олиш ва сақлаш харажатлари» счёти.

2030-«Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари» счёти.

5. Пахтани тозалаш корхоналарида пахта толаси ва чигит таннархини ҳисоблашнинг такомиллашган усули тавсия этилди.

Юқоридаги таклифларни амалиётга жорий қилиш пахтани қайта ишлаш корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: 30.08.1996.
3. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4053-сонли Фармони. 18.11.2008.
4. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашга таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4058-сонли Фармони. 28.01.2009.
5. Республика пахтани қайта ишлаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқарувини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2874 сонли Фармони. 11.06.2001.
6. Маҳсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом. – Т.: 05.02.1999. №54.
7. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. – Т.: 15.10.2003. № 444.
8. 2007-2011 йилларда пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида. – Т.: 03.04.2007. №70.
9. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.16. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 368 б.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.

11. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 56 б.

12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 48 б.

13. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 36 б.

14. Бухгалтерия ҳисобига доир низомлар. – Т.: «Норма», 2007. – 272 б.

15. Гадов Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У. ва бошқалар. Йиллик ҳисобот 2008. – Т.: «Норма», 2009. – 576 б.

16. Гадов Э.Ф. ва бошқ. Бухгалтерлар учун амалий қўлланма: II-жилдлик. – Т.: «NORMA», 2010. – 424 б.

17. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003. – 476 б.

18. Пошерстник Н.В. Самоучитель по бухгалтерскому учету. 15-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 416 с.

19. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х., Бошқарув ҳисоби – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи», 2008. – 252 б.

20. Санаев Н.С., Хасанов Б.А., Тўлаев А., Санаев Ғ.Н., Бухгалтерия ҳисоби асослари. – Т.: «Шарқ», 2005. – 110 б.

21. Уразов К.Б. Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. – Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011. - 487 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2009. – 120 б.

23.Хасанов Б.А. и др. Калькулирование себестоимости продукции. – Т.: «Фан ва технология», 2008. – 160 с.

24.Аликулов А.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009. - № 11. – Б. 31-32.

25.Аликулов А.И. Пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш. //Bозор, Pul va kredit. 2010. - № 2. – Б. 64-66.

### **Интернет сайтлар:**

26. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги  
<http://www.mineconomy.uz>

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги <http://www.mf.uz>

28. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги  
<http://www.agro.uz>

29. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги <http://www.mexnat.uz>

30. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
<http://www.edu.uz>

31. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги <http://www.minjust.uz>

32. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
<http://www.stat.uz>

33. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси <http://www.antimon.uz>

34. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси <http://www.soliq.uz>

35. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси <http://www.paxta.uz>